



Беш набавий насиҳат

“Насиҳат” деганда, насиҳат қилинган кишининг манфаатини кўзлаб айтилган холис сўзлар тушунилади. Куйидаги ҳадисда дунё ва охират саодатини қамраб олган бешта насиҳат бор:

Абу Хурайра розияллоҳу анху ривоят қилади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким мендан ушбу калималарни қабул қилиб олиб, уларга амал қилади ёки уларга амал қиладиган кишига ўргатиб қўяди?”** дедилар. “Мен, ё Расулulloҳ”, дедим. У зот қўлимдан тутдилар-да, бешта нарсани санадилар: **“Ҳаромлардан сақлан, инсонларнинг энг обиди бўласан; Аллоҳ берган нарсасига рози бўл, инсонларнинг энг бойи бўласан; қўшинингга яхшилик қил, мўмин бўласан; ўзинг яхши кўрган нарсани одамларга ҳам раво кўр, мусулмон бўласан; кулгини кўпайтирма, албатта, кулгининг кўпи қалбни ўлдиради”**, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Биринчиси, ҳаромлардан сақланиш. Бу иш мўминликнинг, бандаликнинг энг муҳим жиҳати. Чунки ҳаромлардан тийилмагунича солиҳ амаллар наф бермайди. Шунинг учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаромдан тийилган кишини одамларнинг энг обиди, деб таърифламоқдалар. Демак, ҳаромдан сақланиш энг катта ибодат экан.

Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳ айтиди: “Обидлар Аллоҳ қайтарган нарсани тарк қилишдан кўра афзалроқ бирор нарсани билан ибодат қила олмайдилар”.

Маймун ибн Михрон: “Аллоҳни тил билан зикр қилиш – гўзал, аммо маъсият чоғида Аллоҳни эслаб ундан тийилиш ундан-да афзалдир”, деган.

Абдуллоҳ ибн Муборак: “Мен учун шубҳали бир дирҳамни тарк қилиш юз минглаб дирҳамларни садақа қилишдан афзалдир”, деган.

Умар ибн Абдулазиз айтиди: “Тақво – кечани бедор, кундузни рўзадор ўтказиш ҳам, булар орасида ўралашиш ҳам эмас. Балки

Аллоҳнинг фарзларини адо этиш ва Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни тарк этишдир”.

Иккинчиси, Аллоҳ берган ризққа рози бўлиш. Ҳа, ҳаммамиз интилган бойлик зоҳирда, моддийётда эмас, балки қалбда бўлар экан. Унинг номи – қаноат. Дарҳақиқат, кимнинг қалбида қаноати, розилиги бўлмаса, дунёларга эга бўлса ҳам бойлик ортидан қувишни қўймайди. Шунинг учун мўмин банд ўзига берилган нарсасига қаноат қилиб рози бўлиши, берилмаган нарсаларнинг ортидан қувиб, соғлиғини, умрини зое қилмаслиги лозим. Зеро, дунё ишлари – кимнинг бой, кимнинг камбағал бўлиши Аллоҳ таолонинг ҳикмати биландир. Демак, Аллоҳ таоло берган нарсасига рози бўлиш энг катта бойлик, саодат экан.

Абу Ҳозим қўй гўштини сотиб турган қассоб ёнидан ўтиб қолди. Қассоб: “Эй Абу Ҳозим, гўштан олинг, жуда яхши гўшт”, деди. Абу Ҳозим: “Ёнимда пулим йўқ”, деб жавоб берди. Қассоб: “Пулини кейин берсангиз ҳам майли”, деганди, у: “Мен учун сизга кейин бергандан кўра нафсимга кейин берганим яхшироқ”, деб жавоб қилди.

Учинчиси, қўшниси яхшилик қилиш. Бу иш яхши гапириш, ҳолидан хабар олиш, қўлидан келганича ёрдамини аямаслик ва озорига сабр қилиш билан юзага чиқади. Мана шу чинакам мўминликдир. Одатда узоқ муддат бирга яшаш, ишлаш, ҳамсухбат бўлиш мобайнида баъзи бир озорлар учраб туриши табиий. Шунинг учун ҳадисда қўшнисига – у ё суҳбатдош ё ҳамроҳ ё ҳамкасб бўлиши мумкин – яхшилик қилиш мўминлик, деб эътироф этилмоқда. Қўшниси яхшилик қилишнинг энг қулай даражаси озор бермасликдир. Мусулмон одам қўшнисига яхшилик қилолмаган тақдирда, ҳеч бўлмаса, озор бермаслиги керак. Демак, мўминликнинг шарт атрофдагиларга яхши муносабатда бўлиш экан.

Тўртинчиси, яхши кўрган нарсасини бошқаларга ҳам илиниш. Бу энг олийжаноб фазилатлардан биридир. Ўзгаларга хайрихоҳ бўлиш энг покиза қалб эгаларининг одати. Шариат соҳиби чин мусулмонликни ана шу олийжаноб фазилатга боғламоқдалар. Зеро, бу фазилат сабабидан одамлар орасида кўпдан-кўп яхшиликлар, эзгуликлар илдиз отади. Одатда инсон ўзининг энг яхши кўрган киши – фарзандига нисбатан хайрихоҳ бўлади. Динимиз эса уни бошқаларга ҳам татбиқ этишга чорлайди. Ҳа, динимиз ҳақиқатан инсонпарвар, тинчлик ва яхшилик динидир.

Бешинчиси, кўп кулмаслик. Инсон турли воқеа-ҳодисалардан таъсирланувчи қилиб яратилган. Уни баъзи нарсалар маҳзун қилса, баъзи нарсалар шод қилади. Баъзилари йиғлатса, баъзилари кулдиради. Лекин ҳаммасида меъёр бўлиши керак. Жумладан, кулишда ҳам. Одатда кулиш одамлардаги хурсандчилик, фарах, бахтиёрлик ҳис-туйғуларини намоён этади. Аммо у меъёридан ортиб кетса, қалб бошқа муҳим нарсалардан таъсирланмай қўяди. Масалан, гуноҳларига тавба қилиш, ўлимни эслаб, охиратга тайёрланиш, ўзини ва Раббисини англаш каби ҳис-туйғуларни йўқолиб боради. Бу ҳолат ҳадисдаги ибора билан айтганда “қалбнинг ўлиши”дир. Шунинг учун мўмин одам бу борада ҳушёр бўлиши керак.

Юқоридагиларни мулоҳаза қилиб кўрсак, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу бешта насиҳатлари инсоннинг қалби ва хулқиға тегишли нарсалар эканига гувоҳ бўламиз. Бундан маълум бўладики, саодатнинг гарови қалб ва хулқнинг ислоҳида экан.

Абдулқодир АБДУРРАҲИМ,

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти Аҳрид ва фикҳий фанлар кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Сийрат ойи

Шаклу шамойиллари

Али розияллоҳу анху Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни сифатлаб айтди: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам на узун ва на паст, балки ўрта бўйли эдилар. Сочлари на зиёда буралган ва на ёзилган, балки иккисининг ўртасида эди. Муборак баданлари на семиз ва чехралари на юмалоқ, балки озроқ юмалоққа мойил эди, чехралари қизилга мойил оқ эди. Икки кўзларининг қораси ниҳоятда қора ва катта, оқи ниҳоятда оқ ва киприклари ниҳоятда узун эди. Икки суякларининг қўшилган жойлари (тирсак, тизза, елка каби) йўғон ва икки елкалари жам бўладиган жойлари ҳам йўғон гўшти эди. Сийналаридан киндикларига қадар нозик мўйдан бир чизиқ тортилгандай эди. Икки кафтлари ва икки қадамлари тўла бўлиб, юрсалар ердан қувват-ла узиб олар, гўё пастликка кетиб бораётган каби кўринар эди. Қачон бир тарафга бурилсалар, бутун баданлари билан бурилар эдилар. Икки елкалари ўртасида пайғамбарлик муҳри бўлиб, пайғамбарларнинг охиригиси эдилар. Одамларнинг энг саҳийи, ҳаммадан зиёда ростгўй, мулоийм табиатли ва ҳушмуомала эдилар”.

Мусулмоннинг кўрғони

Сафар дуоси

«Субҳааналлазий саххоро ланаа ҳаазаа ва маа куннаа лаҳу муқри-нин ва иннаа илаа Роббинаа ламунқолибуун. Аллоҳумма иннаа насалука фий сафаринаяа ҳаазалбирро ват-тақваа ва минал ʼама-ли маа тарзоо. Аллоҳумма ҳаввин ʼалайна сафаринаяа ҳаазаа ватви ʼаннаа буъдах».

“Бизларга бу (улов)ни бўйсундириб қўйган зотга тасбеҳ айтамыз. Бизлар ўзимиз бунга қодир эмас эдик. Албатта, бизлар (барчамиз) Раббимиз (ҳузур)га қайтувчидирмиз. Аллоҳим! Биз Сендан ушбу сафаримизда яхшилик (тоат)ни, тақвони ва Ўзинг рози бўладиган амални сўраймиз. Аллоҳим! Ушбу сафаримизни биз учун осон ва узоғи(миз)ни яқин қил” (Имом Муслим ривояти).

✓ 20–25 август. Муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Финляндия мусулмонлари жамияти тақлифига биноан ушбу

мамлакатда бўлди. ✓ 24 август. Президент Фармони билан Фарғона вилояти бош имом-хатибининг ўринбосари Алишер Наимов,

Қашқадарё вилояти бош имом-хатиби Раҳматилло Усманов, Бухоро вилояти бош имом-хатиби Жобир Элов “Имом Бухорий” ордени билан

мукофотланди. ✓ 23–26 август. Самарқандда “Буюк аждодлар мероси – III Ренессанс пойдевори” мавзуидаги VIII халқаро конгресс бўлди.

Оғир дамда Раббисини эслайдиган киши

«Инсонга зарар етганда, ётган ҳолда ё ўтириб ёки тик туриб ҳам Бизга илтижо қилади. Ундан зарарини кетказганимизда эса, гўё етган зараридан Бизга дуо қилмагандек кетаверади. Мана шу тарзда исрофчи (тажовузкор)ларга ўз қилмишлари зийнатли (чиroyли) қилиб қўйилди» (Юнус сураси, 12-оят).

“Тафсири Куртубий”да бу ояти карима мушрик Абу Ҳузайфа ибн Муғйра ҳақида нозил бўлгани айтилган.

“Инсонга зарар етганда, ётган ҳолда ё ўтириб ёки тик туриб ҳам Бизга илтижо қилади”. Яъни, ўзига, молига ё бошқа жиҳатларига зарар етган киши, ўзининг ожиз, нотаълиғини англаб то зарари аримагунча дуодан тўхтамайди. Ўтирса ҳам, турса ҳам, ётса ҳам Аллоҳга ялиниб-ёлворади.

“Ундан зарарини кетказганимизда эса, гўё етган зараридан Бизга дуо қилмагандек кетаверади”. Аллоҳ таоло унинг дуосини ижобат қилиб зарарини кеткизгач, Парвардигорни унутиб, олдингидек гуноҳ ишларига қайтади. Худди ғам-ташвиши ўз-ўзидан ариб

қолганидек, Аллоҳ таолони ёд этмай қўяди. Ахир у кечагина Яратганга ялиниб-ёлвориб ёрдам сўраётган эди... Нақадар ношукр банд у?!

“Мана шу тарзда исрофчи (тажовузкор)ларга ўз қилмишлари зийнатли қилиб қўйилди”. Яъни, Аллоҳ таолонинг зикридан юз ўгириб ва куфрга кетган кишилар қилмишларини шайтон чиройли қилиб қўяди. Улар ўзларини тўғри йўлда ҳисоблаб, залолатларида давом этаверишади.

Инсон зоти дардга, аламга, зарарга камчидамдир, неъматга камшукрдир. Боиси, бу ҳолатдаги инсонлар бошқаларга нисбатан кўпроқ ва қаттиқроқ илтижо қилишади. Сабаби, уларнинг машаққати кучлироқ бўлганидир. Сўнгра ўтириб қолган ва тик турган киши келтирилди. Ҳақиқатан ҳам зарар кўрган киши бу қийинчиликлар ундан кетмагунча дуодан тўхтамайди.


Баъзилар бошига ташвиш тушган пайтда Аллоҳни эслайди, ташвишлари аригач, яна Аллоҳ таолони унутади. Мўмин киши бошига мусибат келганида сабр, кенгчиликда шукр қилиши, доимо Аллоҳ таолога тавба-тазарру, дуо-илтижо қилиши керак. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Кимни мусибат ва қийинчилик пайтида дуоси ижобат қилиниши севинтирсан, кенгчилик пайтида дуони кўпайтирсан**”, деб марҳамат қилганлар.

Мусулмон киши бирор кулфат ё қийинчилик билан синалса, қуйидагиларга риоя қилиши лозим:

— аввало, Аллоҳ таолонинг қадою қадарига рози бўлиши, қалби ё тили билан унга эътироз қилмаслиги керак. Чунки Аллоҳ таоло молики мутлақдир. У мулкани хоҳлаганича ва хоҳлаганидек тасарруф қилади. Унинг ҳар бир иши тўғридир. Бандани сиёнаши Аллоҳ таолонинг адолати, ундан фориғ қилиш Унинг фазли ҳисобланади. Шунинг учун банд синовларга сабр қилиши, сокин бўлиши, изтиробга тушмаслиги лозим;

— кейингиси, синов пайтида зикр, истиффор, тавба-тазарру билан машғул бўлиш афзалдир. Ҳадиси қудсийда: “**Кимни Менинг зикрим Мендан сўрашдан машғул қилиб қўйсан, унга сўровчиларга берган нарсанинг энг афзалини бераман**”, деб марҳамат қилинади. Зикр қилиш Ҳақ билан машғул бўлиш, дуо қилиш эса, нафс улушини сўрашдир. Шунинг учун Ҳақ таолонинг зикри билан банд бўлиш афзалдир. Агар мусибатни аритиш учун дуо қилса, у билан динининг ислоҳини кўзласин;

— сўнгиси, Аллоҳ таоло кишининг мусибатини аритса, у шукрни кўпайтириши, яхшию ёмон, қийинчилигу кенгчилик кунларида ҳам Яратган Зотни ёд этиши лозим. Мусибат пайтида қилинадиган энг тўғри йўл мана шудир.



Таҳқиқ аҳли айтади: “Кенгчиликда неъмат билан машғул бўлиб, неъмат берувчини унутган киши бало етган вақтда синов юборган Зотни унутиб, бало билан машғул бўлиб қолади”. Ундай кишиларнинг боши ҳеч қачон балодан чиқмайди. Улар фароғат пайтида неъматлари завол топиш хавфи балосига учрайдилар. Неъмат қанчалик комил, лаззатли ва тотли бўлса, ундан маҳрум бўлиш шу даражада оғир ва қийин кечади. Шунинг учун неъматлар билан машғул бўлган киши доимо балолар гирдобиде бўлади.

Агар одам фароғатда неъмат берган Зотни унутмаса, синов вақтида ҳам Уни унутмайди. Неъмат берувчи ҳам, синов қилувчи ҳам Аллоҳ таолодир. Шунинг учун банданинг талаби Аллоҳ таолонинг розилиги бўлиши лозим.

“Тафсири Розий” асосида
“Қўқалдош” мадрасаси мударрисси
Авазбек ЖУМАБОВ тайёрлади.

Ҳадис шарҳи

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий алайҳиссалом унга: “**Эй Али, уч ишни кечиктирма: вақти кирган намозни, ҳозир бўлган жанозани ва тенги топилган қизни** (нг тўйини)”, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларига насиҳатлари ҳеч бир замонда қадрини йўқотмайди. У зотнинг ўғитларига амал қилган инсон кам бўлмайди. Бу ҳадисда у зот Али розияллоҳу анҳуга уч ишни кечиктирмасликни насиҳат қилганлар.

Биринчиси, вақти кирган намозни кечиктирмаслик. Яъни, вақти бўлган фарз намозини бошқа ишларни тўхтатиб, адо этиш лозим. Чунки намозларни ўз вақтидан олдин адо этиш жоиз эмас, кечиктириб ўқиса, қазо бўлади, савоби камаяди. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “**Зеро, намоз мўминларга вақти тайин этиб битилган** (фарз қилинган) **дир**” (Нисо сураси, 103-оят).

Ҳар бир фарз намозни мустаҳаб вақтида ўқиш керак. Масалан, бомдод намозини вақти кириши билан эмас, балки бир муддат кутиб, тонг ёришгач, ўқиш мустаҳаб. Шом намозини эса вақти кириши билан, яъни қуёш ботиши билан ўқиш мустаҳаб. Пешин, аср ва хуфтон намозларининг ҳам мустаҳаб вақти бор.

Иккинчиси, ҳозир бўлган жанозани кечиктирмаслик. Яъни, майит ювилиб, кафанга ўралгач, дарҳол жаноза намозини ўқиб, дафн қилиш лозим.

Учинчиси, тенги топилган қизни (нг тўйини) кечиктирмаслик. Яъни, қиз ёки жувон бўлсин — унга муносиб жуфт чиқса, дарҳол узатиш керак. Тенгидан мурод, дин-диёнати ва ахлоқда муносиб бўлишдир. Набий алайҳиссалом: “**Агар динидан ва хулқидан рози бўлган кишинингиз (совчи бўлиб келса, унга (сўраганини) никоҳлаб**

беринг. Агар шундай қилмасангиз, Ер юзиде фитна ва катта фасод тарқалади”, деганлар (Имом Термизий ва Имом Ибн Можа ривояти).

Демак, қуёв танлашда дини ва хулқи ўта муҳим. Насаб, мол-давлат, обрў-эътибор эмас.

Аллоҳ таолонинг амрларини бажарадиган, қайтариқларидан тийиладиган аҳли суннат ва жамоат мазҳабида бўлган эътиқоди тўғри киши сиз динидан рози бўладиганингиз кишидир.

Сўзи, хатти-ҳаракати, муомаласи одоб доирасидан чиқмаган киши сиз хулқидан рози бўладиганингиз кишидир.

Кимнинг қизига ана шундай кишидан совчи келса, унга никоҳлаб берсин. Бошқа нарсаларни талаб қилиб, ёшларнинг бахтини бойламасин. Қизининг “ке-лажаги”ни ўйлаб бой-бадавлат

жойга узатаман демасин. Бойлик бахт олиб келмайди. Акс ҳолда совчилиги рад этилган қанчадан-қанча солиҳ йигитлар, “яхшироқ жой”дан совчи кутавериб “ўтириб” қолган қизлар, обрўли хонадонга келин бўлиб, бахтини тополмаган қизлар кўпаяди. Бу жамият учун оғир синовга, ижтимоий хатарга етаклайди. Шунинг учун Набий алайҳиссалом: “**Агар шундай қилмасангиз, Ер юзиде фитна ва катта фасод тарқалади**”, деганлар. Вояга етган ўғли, қизи бор оилалар бу ҳақда жиддий ўйлашлари керак. Бу масаладаги ечим Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўрсатмаларидир. Расулulloҳ кўрсатмалари оилаларимиз, жамиятимиз равнақи гаровидир.

Манбалар асосида
Азизбек ХОЛНАЗАРОВ тайёрлади.

Ислом фикҳи асослари

Кейинги йилларда айрим ёшларимиз орасида баъзи бузғунчи тоифаларнинг ғаразли тарғиботларига алданиб мавжуд мазҳабларни инкор этиш, уларни бидъатга чиқариш, мўмин-мусулмонлар фикрини чалғитишга уриниш ҳолатлари кузатишмоқда. Улар мазҳаблар Қуръон ва суннатга хилоф, деган даъво билан мазҳабга эргашмасликни ташвиқ қилмоқдалар.

Ушбу китобда тўрт мўтабар мазҳабнинг Қуръон ва суннатга асослангани ҳамда динимизнинг замонлар оша юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда айнан мазҳаб уламолари жорий қилган усул ва қоидаларга асосланиши баён этилган.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **“Китобда (Лавҳул Маҳфузда) бирор нарсани (ёзмасдан) қолдирмаганмиз”** (Анъом сураси, 38-оят), **“Сизга ҳамма нарсани баён қилиб берувчи Китоб (Қуръон)ни нозил қилдик”** (Наҳл сураси, 89-оят), деб марҳамат қилган. Мазкур ояти карималарда Қуръони карим то қиёматгача учрайдиган ва юзага келадиган

Обуна - 2025

масалаларни ўзида мужассам этгани тўғрисида сўз бормоқда. Аммо ҳар бир масалага муфасссал ва ҳар томонлама тўхтаб ўтилмаган. Бу масалаларни ўрганиш ва татбиқ этиш вазифаси мужтаҳид уламолар ҳукмига ҳавола этилган. Чунки ҳар бир замоннинг аҳли ўзидан олдингиларда юз бермаган воқеа-ҳодисаларга дуч келади. Шунинг учун Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаи киромларга ижтиҳод қилишга рухсат берганлар.

Ҳижрий иккинчи ва учинчи асрларда Ислом шариати аҳкомларини ўзида ифодаловчи мазҳабларга асос солинди. Жумладан, Кўфада Имом Абу Ҳанифа, Мадинада Имом Молик, Ҳижозда Имом Шофеий ва Бағдодда Имом Аҳмад раҳимаҳумуллох шариат аҳкомларига амал қилишнинг йўл-йўриқларини кўрсатиб бердилар. Уларнинг илмий асосга эга усуллари ва жорий қилган қоидалари ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмай келаётгани мавжуд мазҳабларнинг нақадар пухта ва мустақкам эканига далолат қилади.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг илк пайғамбарлик даврларида арабларнинг ҳолати

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нубувват келишидан олдин араблар на бирон қонун-қоидага бўйсунар ва на бирон динни тан олиб эътиқод

қилар эдилар. Улар турли ботил ва бузук ақидаларга – ўз қўллари билан ясаб олган бут-санамлар, кўкдаги юлдузларга сиғинишарди. Шу сабабли ҳар ким ўз ота-бобосидан ўзлаштирган эътиқодни ҳақ деб биларди. Шунга қарамай, уларнинг ўзларига яраша тор доирадаги кенгашлари бўлиб, бу орқали турли жоҳаро ва муаммолар ҳал қилинардилар. Албатта, маълум бир одат ва қадриятлар уларга катта боболари Исмоил алайҳиссаломдан етиб келган эди. Баъзи анъаналар қўшни диёрларда яшаётган яҳудий ва насронийлардан ўзлаштирилган ва яна бошқа бирлари эса тажрибалар орқали ҳаёт тарзларига сингиб кетгандилар. Талок, никоҳ, зиҳор каби ижтимоий масалаларни ўзларидаги одат ва тартибларга биноан ҳал этардилар.

Аллоҳ таоло қуриб-қақшаб ётган Араб яриморилини Ислом динига бешик, дунё бўйлаб ҳидоят ва илм кўёши порлайдиган маскан, жоҳил ва қаҳри қаттиқ аъробийлар унинг даъватчиси ва ҳимоячиси бўлишини хоҳлади: **«Аллоҳ пайғамбарликни қаерга қўйиш (раво кўриш)ни Ўзи яхши билади»** (Анъом сураси, 124-оят).

(Давоми бор...)

Ҳомиджон қори

ИШМАТБЕКОВнинг “Ислом фикҳи асослари” китоби асосида тайёрланди.

Фаолларни рағбатлантириш

26–28 август кунлари “Шамсуддинхон Бобохонов” НМИУ ходимлари Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилояти вакилликларида имом-домлалар билан учрашувлар ўтказишди. Тадбирларда даврий

нашрларнинг сифатини, мазмун-моҳиятини, мундарижа ранг-баранглигини янада ошириш борасида фикр алмашилди. Даврий нашрлар обунасида фаоллик кўрсатган имом-домлаларга ташаккурномалар берилди.



Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Вафот этган ёш боланинг кафани қандай бўлади?

ЖАВОБ: Балоғатга яқинлашган қиз ёки ўғил бола вафот этса, буларнинг кафани катта одамлар кафани билан бир хил бўлади. “Раддул мухтор” китобида бундай дейилган: “Қизлар тўққиз, ўғил болалар ўн икки ёшда балоғатга етади”.

“Балоғатга яқинлашган боланинг кафани балоғатга етган эркакларнинг кафани, балоғатга яқинлашган қизнинг кафани эса балоғатга етган аёллар кафани каби бўлади” (“Фатавийи Оламгирия”).

«Ҳиля»да “Хония” ва “Хулоса”дан: “Шаҳват чегарасига етиб бормаган гўдак ҳам балоғатга етган инсонлардек кафанланади. Улар битта мато билан кафанланса ҳам жоиздир”, деб нақл қилинган (“Раддул мухтор”).

Бола ўлик туғилса, унга жаноза ўқилмайди, исм кўйилмайди, ювиб, матога ўраб дафн қилинади (“Баҳрур роиқ” китоби).

Демак, тирик туғилган ҳар қандай гўдак вафот этса, уни катта одамлардек кафанлаш афзалдир. Уни битта мато билан кафанлаш ҳам жоиз. Бунда майитнинг яқинлари ҳолат ва шароитга қараб иш тутаверадилар.

САВОЛ: 1) Чувалчанг савдоси жоизми? 2) Чувалчангдан чиқади-ган гўнгнинг савдоси-чи?

ЖАВОБ: Имом Абу Ҳанифа ва Имом Абу Юсуф раҳимаҳумаллох фойдаланиб бўлмайдиган ҳашаротларни (жониворларни) сотиш жоиз эмас, дейишган. Имом Муҳаммад уларга эғлик қилиш ва фойдани сотиш мумкин, деган. Ҳозирги кунда чувалчанг ва ундан олинадиган гўнг ер унумдорлигига фойдали бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Масалан, ҳайвонларнинг тегаги нажосат саналади. Шаръий қоидага кўра, нажосатнинг савдоси жоиз бўлмайди. Лекин фойда берадиган нарса бўлгани учун уламолар унинг савдосини жоиз, дейишган. Бу мавзуда фикҳ китобларида бундай дейилган: “Нарса савдосининг жоизлиги ўша нарсадан фойдаланиш ҳалоллигига қараб белгиланади. Зулуқлар гарчи ҳашарот ва унинг савдосини ботил эканига қарамай, унга эҳтиёж борлиги учун унинг савдоси жоиз бўлади” (“Раддул мухтор”).

5-бетда

Шукронамиз зиёда бўлди

Ҳаж амалини адо этиш барча мўминлар учун улуғ орзу ҳисобланади. Биз ҳам 14 йилдан бери муборак сафарга бориш насиб этишини кутаётган эдик. Аллоҳнинг марҳамати билан бу йил мен ва турмуш ўртоғим 15 мингдан зиёд ватандош ҳожиларимиз қаторида ушбу ибодатни амалга ошириш бахтига муяссар бўлдик.

Тошкентда гуруҳларга бўлинишдан то муборак сафардан қайтиб келгунга қадар ҳаяжонли таассуротлар ичида яшадик. Элликбошимиз Абдуллоҳ домла Раҳимов (Аллоҳ раҳмат қилсин) сафаролди мажлислардан тортиб зиёрат билан боғлиқ барча ишлар юксак даражада ташкил этилишига бош-қош бўлди. Шу инсоннинг хизмати сабаб намунали гуруҳлар қаторига кирдик. Аллоҳнинг қазои қадари етиб, Абдуллоҳ домла Жамаротда эҳром кийган ҳолда вафот этди. Аллоҳ суйган банда экан, у кишининг жанозаси Каъба ёнида бомдод намозидан кейин ўқилди.

Муборак сафар давомида биз ҳожиларнинг эмин-эркин, хотиржам ибодат қилишимизга барча шароит яратилганини ҳис қилдик. Муфтий Шайх Нуриддин Халиқназар ва Шайх Алижон қори ҳазратлари иштирокидаги суҳбатларда силаи раҳм, инсонийлик, ҳожининг одоби, ҳаж сирлари, тақво, ҳаждан мақсад, ҳожилик мақомига муносиб тарзда бошқаларга ибрат бўлиш каби мавзуларда айтилган таъсирчан фикрлар қалбларимизга кириб борди.

Уламоларимиз бизга ҳаж ибодатини адо этиш шартларини содда ва тушунарли қилиб етказиб беришди. Қолаверса, улар қилган мавъизалар ҳақиқий маънавият сабоқларига айланди.

Шифокорлик ҳамда ташкилотчилик ишларидаги тажрибамдан келиб чиқиб, ҳожилар учун қилинган барча ишларни юқори баҳоладим. Жумладан, транспорт билан таъминлаш, аэропорт ва меҳмонхонада кутиб олиш ҳамда жойлаштириш билан

боғлиқ барча ишлар олий даражада бажарилди. Айниқса, тиббиёт ходимларининг зиёратчилар соғлиғига ғамхўрлигидан мамнун бўлдик. Ҳавонинг иссиқлиги ва ҳаж амаллари бажариладиган ҳудудларда дуч келинадиган машаққатлар саломатлигимизга салбий таъсир кўрсатмаслиги учун керакли чораларни кўришди ва дуоларимизни олишди. Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин.

Хуллас, ҳожиларимизни ибодатдан чалғитадиган ҳолатлар юзага келмаслиги учун барча ижтимоий масалалар ҳал этилганга гувоҳ бўлдик. Мисол учун, юртимиздан борган 15 мингдан зиёд зиёратчиларни 3 маҳал иссиқ овқат билан узлуксиз таъминлашда бирор муаммо кузатилмади. Уларнинг Арафот, Мино водийларида жойлаштирилиши ҳам пухта амалга оширилди.

Сафар машаққатларига чидашнинг ўзи бўлмайди. Биз ҳожиларнинг бир ой давомида юртимиздан олисда оғиримизни енгил қилиб, иссиқ-совуғимиздан хабар

олгани, эсон-омон бориб келишимизда ғамхўрлик кўрсатгани учун Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва бу ишга бириктирилган барча масъул раҳбарлардан миннатдор бўлиб, уларнинг ҳаққига муборак жойларда дуолар қилдик. Илоҳим, ушбу хайрли ишлар бошида турган инсонларга улкан ажрлар насиб этсин.


Абдувоҳид СОДИҚОВ,

тиббиёт фанлари доктори, профессор,
“Меҳнат шухрати” ордени соҳиби



1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кун

Муаллим камолот ичра кўзгудир



Ҳазрат Мир Алишер Навоий айтганидек:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф
ўқутмиш ранж ила,
Айламак ҳақин адо бўлмас анинг
юз ганж ила.

Эсга олайлик, ҳали мактаб остонасига қадам босмаган гўдаклик чоғимизда ўқиш ва ёзишни, сонларни қўшиш-айиришни билармидик? Бу бизга ҳозир оддий ҳолдек туюлади. Бола йиллар ўтгани сари бўйи чўзилиши, кучга тўлиши мумкин, лекин ўз-ўзидан, устознинг кўмагисиз хат-савод чиқариб қолмайди. Муаллим бажарадиган бу юмуш фарзандни ювиб-тараш машаққатидан кам эмас. Кейинчалик ўқувчилик йилларида турли фанларни ўрганиб, борлиқ ҳақида тасаввуримиз кенгайишида, олий таълим масканида илмимизни чуқурлаштириб, бир

қадрини баланд тутишимиз керак. Уларнинг ҳурматини жойига қўяр эканмиз, ўзимиздан кейинги авлодни ҳам илмга муҳаббатли қила оламиз. Чунки кимдан нимадир олиш эвазига унинг ҳаққига ҳам риоя қилишимиз зарур.

Имом Нававий айтади: “Ўқувчи муаллимига итоаткор ва роийиш бўлиши, унинг сўзига қулоқ солиб, ўз ишларида у билан маслаҳатлашиб туриши, худди бемор самимий ва моҳир табиб сўзини қабул қилганидек, у ҳам ўз муаллимининг сўзини қабул қилиши лозим. Шунингдек, муаллимига эҳтиром кўзи билан боқиши, унинг ўз ишида комил иқтидор ва малака соҳиби экани ва бошқа устозлардан устунлигига ишониши лозим. Ана шунда ундан манфаат олиши осон бўлади”.

касбнинг мутахассиси бўлишимизда ҳам устозларнинг ўрни бекиёс. Шу боис, илм машъаласи билан ҳаёт йўлини ёритган ўқитувчиларнинг

Ҳақиқатан ҳам, муаллим каби ўзидан кечиб ўзганинг камолини ўйлайдиган фидойи касб эгаси топилмаса керак. Улар шогирдининг бахт-саодати ва толедан хурсанд бўлади, қалби қувончга тўлади. Муаллим сийрати поклик, самимият, садоқат, меҳр-муҳаббат, хуш одобу хуш ахлоқлик, фидокорлик каби хилқатларга йўғрилиб кетган.

Муаллим – бу шунчаки оддий инсон эмас, у илму ирфон, зиё, тафаккур ва ҳикматлар тимсоли. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Илм ўрганинг, илм учун сакинат ва виқорни ҳам ўрганинг. Сизларга илм ўргатаётганларга тавозе билан ўзингизни наст тутинг!”** (Имом Табароний ривояти) деб марҳамат қилганлар. Илм-маърифат – жоҳилликнинг зидди. Устоз бор жойда жаҳолат бўлмайди, барча ёмонликлар йўли бекилади. Устозни ҳурмат қилиш сизу бизнинг бурчимиздир. Баъзи китобларда устознинг ҳаққи ота-онанинг ҳаққидан кейин туриши айтилган. Устозни ҳурмат қилиш, унга миннатдорлик изҳор этиш лозим.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Эй Аллоҳ, олимга эргашилмайдиган, ҳалимдан эса, ҳаё қилинмайдиган бир замон**

устимга келиб қолмасин”, дея олим ва муаллимлар ҳурмат қилинмайдиган замонда ҳаёт кечиришдан паноҳ сўрар эдилар (Имом Аҳмад ривояти).

Афсуски, бугунги кунда айрим ҳолларда ўқитувчиларга нисбатан ҳурматсизлик билан муносабатда бўлинаётганга дуч келмоқдамиз. Шубҳасиз, бу ўтакетган жоҳилликдир. Бундай кимсалар вақти келиб ўз қилмишларининг аччиқ мевасини тотадилар.

Биз қадимдан устозларни ҳурматлаб-эъзозлаб, илм олишга интилиб келган халқмиз. Шу боис юртимиздан қанчадан-қанча қомусий олимлар, муҳаддису фақиҳлар, муфассир ва мутасаввифлар, донишманд ва мутафаккирлар, фан арбоблари етишиб чиққан. Уларнинг номларини санаб адоғига етиш қийин, бизга қолдирган илмий-маърифий мерослари эса бебаҳо. Буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлишни истар эканмиз, устозларга нисбатан ҳамиша юксак эҳтиром кўрсатайлик, илм-маърифатли инсонлар бўлишга интилайлик.

Махфуза ДОҲИЕВА

Аллоҳга юкуниш – хотиржамлик гарови

Хизмат тақозоси билан чет давлатларга тез-тез сафар қилиб тураман. Айни пайтда ҳам чет элдаман. Айрим сабабларга кўра бу галги сафарим бироз чўзилиб кетди. Ҳисоблаб кўрсам, уйдан чиққанамга тўққиз ой бўлибди.

Шаҳарнинг кенг ва равон кўчаларидан кетяпману, олисдаги оиламни ва ёлғиз қолган қизларимни ўйлаётман. Улар соғу саломат юришиб-димикин, уст-боши бут, қоринлари тўқмикин? Шуларни ҳаёлимдан ўтказарканман, беҳосдан кўнглимни бир фикр чулғаб олди: “Эй Абдуллоҳ, агар қизларинг учун қайғурадиган акалари ёки ҳимоя қиладиган болалари бўлганида, хавотирланармидинг? Албатта, хавотир олмас эдинг. Шундай экан, уларни ҳимоя қилувчи Зот – Аллоҳ таоло бўлса-ю, сен нега қайғурасан!” Агар мен ҳозир уларнинг ёнида бўлганимда, бордию, Аллоҳ таоло уларнинг тақдирига қандайдир мусибатни битиб қўйган бўлса, мен нима ҳам қила олардим? Буларни ўйлаб борарканман, ич-ичимдан қандайдир хотиржамликни ҳис қила бошладим...

Бир гал кутилмаганда бошимга бир ташвиш тушди. Ундан халос

бўлиш йўлларини излай бошладим. Эртага нима бўлар экан, деган ваҳима ичида қолдим. Сўнг: “Шунчалик нодон бўлманми?! Ишларимни ўзим бошқара оламан, ғам-ташвишларни елкамда кўтара оламан, деб ўйлаётманми?! Ахир, гўдаклигимда, худди ёстиқ каби ерга ташлаб қўйилган пайтимда, ким мени асраган?! Ўшанда ҳеч нарсага тушунмас, гапира олмас эдим-ку! Агар шунда бир чаён олдимга келса ё бирор чивин атрофимда учиб айланиб юрса, ўзимни ҳимоя қила олмаганман-ку! Шунда ҳам ўз ишларимни ўзим бошқарганманми?! Ундан олдин-чи, ким мени асраган? Буларнинг барчасини қилишга Қодир бўлган Зот энди мени ташлаб қўяр эканми?!” деб ўйладим.

Ҳаёлимдан ушбу фикрлар ўтаркан, елкамдан худди тоғ ағдарилгандай бўлди. Тунда эса хотиржам уйкуга кетдим...

Хотиржамликнинг калити, иймон ҳаловатига етиш йўли – бу дуо. Доимо дуо қилиб, Аллоҳ таолодан каттаю кичик ҳожатингизни сўранг. Дуо қилишнинг ўзи ҳам бир ибодатдир аслида. Бунда сўзамол бўлиш шарт эмас. Энг муҳими, қалб тайёр



бўлса, дуо қилувчи ихлосли бўлса бас, албатта, ижобат бўлади.

Кўпинча паст овозда айтилган, содда, аммо ихлос билан қилинган дуолар инсонлар кўнглини юмшатади, Аллоҳ таоло ҳузурида пардасиз қабул бўлади.

Агар солиҳ инсонлар суҳбатидан баҳраманд бўлсангиз, Аллоҳ таоло доимо қалбингизда бўлса ва ҳар доим дуо қилиб юрсангиз, билингки, ҳар кечангиз “Лайлатул-қадр”. Агар бунда нафснинг роҳати, руҳнинг ҳаловатидан бошқа нарсага эриша олмасангиз ҳам, майли, шунинг ўзи ҳам етарли. Бу орқали сиз Охират саодати, Ҳақ таолонинг розилигига эришасиз-у, нега етарли бўлмасин?!

Али ТАНТОВИЙнинг “Ровайъут-Тантовий” китобидан
Ҳамидуллоҳ НАЖМИДДИНОВ
таржимаси

Саодат асридан ўрнаклар

“Кўпайтириб юбордингиз!”

Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг озод қилган қули Аслам Адавийдан ривоят қилинади: «Умар ибн Хаттоб розияллоху анху билан бирга бозорга бордик. Қаршимиздан ёш аёл чиқиб, ўз ҳолидан шикоят қилди: “Эй мўминлар амири! Эрим вафот этди, ёш болаларим билан қолдим. Улар ҳали гўдак. На соғиб ичишга чорвамиз бор, на ейишга таомимиз. Бунинг устига, болаларимга ёввойи ҳайвонлар зарар беришидан қўрққанам учун ёлғиз қолдириб, ишлашга ҳам чиқолмайман. Мен Хуфоф ибн Йимо Ғифорийнинг қизиман. Отам Ҳудайбийяда иштирок этган”.

Умар розияллоху анху: “Хуш келдинг, эй аслзода!” деди. Сўнг уйига бориб, озиқ-овқат ва кийим-кечак тўлдириб, икки қопни туясига юкледи. Сўнг уни етаклаб, аёлнинг олдида келди ва жиловини бериб, деди:

– Буларни уйингга олиб бор. Иншоаллоҳ, улар тугагунча Аллоҳ сизга бирор яхшилик беради!

Аёл кетди. Шунда мен Умар розияллоху анхуга дедим:

– Эй мўминлар амири! Кўп нарса бериб юбормадингизми?!

Умар розияллоху анху деди:

– Онанг сендан айрилиб қолгур, Аслам! Аллоҳга қасам, унинг отаси ва акасини фалон қалъани қамал қилишда иштирок этганларини кўрдим. Сўнг биз қалъани фатҳ этдик. Улар шаҳид бўлишди, ўлжа эса бизга насиб этди!

Табиийки, бу бева аёл бошқалардек байтулмолдан ўз улушини олар эди. Чунки Умар ибн Хаттоб розияллоху анху ҳақдорлар адолат билан ҳақларини олишлари учун вазифадор кишиларни тайин этганди. Бу аёлнинг эридан унга ҳеч нарса қолмаган, бериладиган нафақа етарли эмасди.

Шаръан олиб қараганда, аёлнинг олаётганидан ортиқ маблағ олишга ҳақи йўқ. Умар розияллоху анху байтулмолдан нафақа ажратиш борасида қаттиққўл эди. Аммо шу билан бирга Умар розияллоху анху гўзал хулқли, вафоли ва сахий инсон эди.

Умар розияллоху анху аёлни танигач, оиласининг фазилатини

англади, марҳабо, деди, насабини мақтади, унга алоҳида мол ажратиб, бундан кейин етарлича мол бериб турилишини айтди!

Аслам Адабий Умар розияллоху анхунинг аёлга кўп нарса бериб юборганини кўриб: “Намунча кўп?” деганида халифа ғазабланди. Аёлнинг отаси ва эрининг Аллоҳ йўлидаги мужоҳидлардан бўлганларини, улар фатҳ қилган диёрдан байтулмолга кўп мол оқиб келаётганини айтди. Нега энди бошқа мусулмонлар у аёлнинг отаси ва акасининг хизматидан келаётган молдан фойдаланаётганида, нега унга бермаслик керак?!

Одамийлик шундай бўлади. Бошқаларнинг қадрини билиб, ҳурматларини жойига қўйиш, бир қавмининг улуғига дунё вафосизлик қилиб турганида, унга вафо қилиш, оиласининг фазлини эътироф этиб, аввалги ҳолларини эсдан чиқармаслик билан белгиланади.

Одамийликни қўлдан бермайлик!

Абдуқодир ПОЛВОНОВ

Масала

3-бетда

САВОЛ: Бассейнда чўмилиш ҳуслга ўтадимиз?

ЖАВОБ: Агар ҳовузнинг суви оқиб турган (яъни, сув кириб, бошқа томондан чиқиб турган) ёки оқмайдиган катта ҳовуз (яъни, эни ва бўйи камида 5х5 метр) бўлса, сувидан ҳовучлаб олинганда таги очилиб қолмаса) унда оғиз-бурнини ювиб чўмилгач, ҳуслга ўтади. Лекин тарки суннат бўлади. Чунки ҳусл қилишнинг суннати шуки, аввал нажосат теккан жойлар ювилади, сўнг истинжо қилинади, сўнг намозга таҳорат олгандай таҳорат қилинади. Кейин ҳусл қилинади.

САВОЛ: Жаноза намозидан бир одам оёқ кийимини ечиб, устига чиқиб намоз ўқиди. Сабабини сўрасам: “Шундай гап бор”, деди. Ҳақиқатан ҳам, жаноза намозидан шундай қилиш керакми?

ЖАВОБ: Жаноза намозидан ҳам намоз ўқиётган кишининг турган жойи пок бўлиши шарт. Агар намозхоннинг оёғи остида нажосат бўлса, оёқ кийимини ечиб, устига чиқиб ўқиса, пок жойда туриб намоз ўқиган бўлади. Бу ҳолатда оёқ кийимининг устки, оёқ тегиб турган қисми пок бўлиши керак. Бу ҳақда “Муҳити Бурҳоний” китобида бундай дейилган: “Намозхон нажосат бор жойда намоз ўқиётиб, оёқ кийимини ечиб, устига чиқиб намоз ўқиса, жоиз. Агар (оёқ остида нажосат турган ҳолида) оёқ кийимини кийиб ўқиса, жоиз бўлмайди. Чунки оёқ кийим бу ҳолатда намозхонга тобе ҳисобланади”.

“Ҳошиятут Таҳтовий” китобининг жаноза бобида бундай дейилган: “Агар намозхон оёқ кийимини ечиб, устига чиқиб намоз ўқиса, жоиз. Остидаги ернинг нажосат экани зарар қилмайди. Лекин бу ҳолатда оёқ кийимнинг ерга тегиб турган остки қисми эмас, устки, оёққа ёпишиб турган қисми пок бўлиши шарт”.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази.
Тел. 78-150-33-44

Ҳасад гуноҳларнинг бошидир



Билиб қўйган яхши

Ҳасад инсон ҳаётини издан чиқаради, осуда турмушни бузади. Чунки ичи ҳасадга тўла одам ўзгалар бахтини кўролмайди, уларга ёмонлик тилайди. Шунинг учун ўзининг ҳам ҳаёти ғам-қайғуга тўлади. Ҳасадгўйнинг қалби доим безовта бўлади. Қачон қарасангиз, худди бошқалар унинг ҳисобидан бахтли бўлаётгандек, бировнинг ютуғидан хавотирда юради.

Сиз ўзингизда ҳасад туйғуси бор-йўқлигини билиш учун биродарингиздаги бирор фазилатни эсланг. Бу фазилатни унга Аллоҳ берган. У ўша неъмат билан сиздан афзал. Энди ростини айтинг: шу сабаб дўстингизни ёқтирмай қолмаяпсизми? Унда бу неъмат йўқ бўлиб қолишини хоҳламаяпсизми? Агар мана шу ҳолатни ҳис қилсангиз, бу аниқ ҳасаддир. Аксинча, биродарингизга берилган неъматдан кўзларингиз қувонса, ўзингизга ҳам шундай неъмат берилишини хоҳласангиз, демек, сиз мазкур иллатдан йироқдасиз.

Ҳасад тил офатларига эшик очади. Мисол учун, иши юришган

инсонни ғийбат қилиш, унинг устидан тўхматлар ёғдириш каби. Хуллас, ҳасадгўй яхшиликка ёмон кўз билан қарайди, фақат ўзини ўйлайди.

Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳ бирон неъмат билан бирингизни (бошқа) бирингиздан ортиқ қилиб қўйса, сизлар уни (ҳасад-адоват билан) орзу қилманг! Эркалар учун ҳам қилган меҳнатларидан насиба бордир. Аёллар учун ҳам қилган меҳнатларидан насиба бордир. Сизлар (бировларга берилган неъматларга кўз олайтириш ўрнига) Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан сўранглار. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани билувчи Зотдир»** (Нисо сураси, 32-оят).

Бир одамнинг бойлиги ошиб-тошиб кетган ёки мансаб-мартабаси кўтарилган бўлса, нега безовта бўлишингиз керак? Ахир у бу неъматларга сизнинг ҳимматингиз билан эришгани йўқ-ку! Ҳасад қилиш ўрнига сиз ҳам Аллоҳдан сўранг. Яратганнинг қарами кенг.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **«Албатта, мўмин ҳавас қилади, мунофиқ эса ҳасад»** (Имом Бухорий ривояти).

Ҳасадчи Аллоҳнинг тақдирига қарши чиқади, қазои қадардан нолийди: «Нима учун фалончининг пули кўп-у, менда кўп эмас?», «Нега бошқалар соппа-соғ-у, мен касалман?», «Нима сабабдан фалончини мукофотлашади-ю, менга эътибор қаратишмайди?» ва ҳоказо. Мудом сиқилади, безовта бўлади. Бундан ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар етиши мумкин.

Ўйлаб қарасак, ҳасаддан узоқ бўлиш инсоннинг катта ютуғи экан. Бундай киши тақдирдан рози бўлиб, ўз ҳаёти билан яшайди. Ўзгалар ютуғини кўрганда кўзи қувониб, эзгу амалларига ҳавас қилиб, Аллоҳнинг розилигига эришишга янада кўпроқ интилади. Ҳақиқий бахт шу эмасми?


Мардикул СИДДИҚОВ,
Хатирчи тумани

Сурхоннинг файзли ва обод гўшаси

Денов шаҳридаги Саид оталиқ мадрасаси ўн олтинчи асрнинг энг ноёб меъморий ёдгорлиги ҳисобланади. Мажмуа Куръони карим сураларига монанд тарзда 114 ҳужрали икки қаватли иншоотдир.

Ўн еттинчи асрнинг машҳур географи Маҳмуд ибн Валининг қайд этишича, ўша пайтда Денов шаҳри мустақкам қалъа билан ўралган, тўкин бозори, мадраса ва хонақоҳи бўлган. Маҳаллий аҳоли тинч ва хотиржам, фаровон ҳаёт кечирган. Энг муҳими, ёшлар дунёвий ва диний илмларни пухта эгаллаган. Манбаларга кўра, мадраса Нақшбандия силсиласининг 17-муршиди қоили Хожа Алоуддин Атторга атаб 26 йил давомида қурилган. Қурилишга уста Аҳмад Мамат Бухорий раҳбарлик қилган.

Мадрасани қуришга ҳомийлик қилган зот Саид оталиқ бўлиб, у ҳам Алоуддин Аттор авлодларидандир. Тадқиқотларга кўра, мажмуа пойдеворининг чуқурлиги 5,5 метр. Мадраса шимолдан жанубга томон чўзилган, тўғри тўртбурчак тарҳли (46х64 метр), бурчакларига гулдасталар ишланган. Пештоқнинг икки ён томонида икки қаватли уч равоқли пешайвони ҳам бор.



Пештоқ орқали кираверишда миёнасарой (масжид, мадрасаларга кираверишдаги далон, вестибюль), унинг икки ёнида чортоқ тарҳли масжид ва дарсхона ўрин олган. Миёнасарой гумбази қалқонсимон қанотлар (меъморий қисм)га, масжид ва дарсхона гумбазлари тоқиларга таянади. Ҳовли (40х29,5 метр) атрофида олди чуқур равоқли, икки қаватли ҳужралар жойлашган. Пастки қаватдаги ҳужралар ҳажми 4,75 х 2,75 метрдан иборат бўлса, юқоридаги ҳужралар ҳажми 2,75х2,25 метрни ташкил этади. Иншоотнинг томи эса балхи гумбазли этиб ишланган. Пештоқи ва ички хоналарида миёнасарой

равоқларида ганчкори безаклар ва ички бўртма қобирғаси мон, муқарнас нақшлар чегилган. Ҳужра деразаларига ганчдан панжаралар ишланган.

Иншоот Бухоронинг йирик мадрасалари каби ўзига хос услубда барпо этилган. Мазкур шаклдаги мадраса Сурхондарё вилоятида ягонадир. Мажмуа Ўзбекистон моддий маданий меросининг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига киритилган.

Ўн олтинчи асрнинг ушбу нодир намунасида диний билимлардан ташқари, талабаларнинг қизиқиши ва мударрисларнинг мавжудлигига қараб астрономия, геометрия, тиббиёт, кимё,

география, тарих, адабиёт, меъморчилик асослари, хаттотлик, мусиқа, ахлоқ ва нотиклик илмлари ҳам ўқитилган. Мадраса асрлар давомида илму ирфон, маърифат маскани сифатида халқимизга хизмат қилган. Бу ерда таҳсил олган толиби илмлар орасидан не-не улўғ олиму фузалолар етишиб чиққан.

Бухоро инқилобидан олдин мадрасада 400 нафарга яқин талаба таҳсил олган, уларга 33 мударрис сабоқ берган. Шўролар ҳукмронлиги даврида мадраса фаолияти бутунлай тўхтатилган. 1956 – 60 ва 1972–73 йилларда эса, мадрасада илмий жиҳатдан ўрганиш ишлари олиб борилади.

Ўтган давр мобайнида мадраса эътибордан четда қолди. Маҳаллий аҳоли ундан савдо биноси, хунармандлик маркази, ҳатто ошхона сифатида фойдаландилар. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мадраса 2023–24 йилларда тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Бугунги кунда бу манзил обод ва файзли гўшага айланди.

Манбалар асосида
Шаҳнозахон СОДИҚОВА
тайёрлади.

Авлиёларга бешик бўлган замин

“Қасри Камол” деганда, Ромитан туманидаги бир тепалик тушунилар эди. Ўтмишда унинг ўрнида бир қаср бўлиб, номи шунга ишорадир. Мирмулла қишлоғи ғарбидаги ушбу тепаликнинг ўзи ҳам кейинчалик текисланиб, экин майдонига қўшилиб кетади.

“Тухфат уз-зоирин” асарида келтирилишича, Қасри Камол ҳазрати Саййид Амир Али Ҳамадоний авлодларидан бўлган Муҳаммад Али Ҳусайн туғилиб, камол топган маскандир.

1785–1870 йилларда яшаб ўтган бу зоти шариф Амир Насруллохон таклифи билан Бухоро шахрига келади ва Шайх Ҳабибуллох хонақоҳида яшаб, мударрислик қилади. Юқоридаги асарда, шунингдек, Муҳаммад Али Ҳусайн тариқат сабоғини ҳазрат Халифа Ашур Муҳаммаддан олгани, Ҳазрати Имом қабристонида дафн қилингани қайд этилган.

Муҳаммад Али Ҳусайннинг шажараси куйидагича:

1. Саййид Али Ҳамадоний.

2. Саййид Амир Аҳмад.
3. Саййид Амир Барака.
4. Саййид Амир Юсуф.
5. Саййид Амир Ҳожи.
6. Саййид Амир Шоди.
7. Саййид Амир Азалборий.
8. Саййид Амир Али.
9. Саййид Ниҳод.
10. Саййид Раҳматуллох.
11. Саййид Амир Раҳматуллох.
12. Саййид Амир Закариё.
13. Саййид Мир Олим.
14. Саййид Жалолиддин.
15. Муҳаммад Ҳусайн.

Бир вақтлар бағрида ҳаёт қайнаган, шайху саййидлар туғилиб ўсган “Қасри Камол” номли маскан ҳақида, афсус, бугун кўпчилик билмайди. Тарихимизни, улуғ аждодларимизни эсдан чиқариш маънавий фожиадир. Бу каби илдизи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган манзиллар юртимизда кўплаб топилади. Ачинарлиси, аксарияти ҳақида ўша жойда яшаётган одамлар ҳам етарли маълумотга эга эмас. Бу нараса кишининг ўзлигидан узоқлашиши, уни ушлаб турган маънавий илдизларга бефарқлиги белгисидир.



Ўз-ўзимизга: “Туғилиб ўсган қишлоғим ёки маҳалламнинг тарихини биламанми?” деб савол берайлик ва унга жавоб излайлик. Бу биз учун ўзига хос маърифий сабоқ бўлиб, ўзликни таниш сари йўл очади.

📖 **Суннатуллох ФАХРИЕВ,**

Ромитан тумани “Ҳазрати Бобо”
жоме масжиди имом-хатиби

Мулоҳаза

Инсон она табиат бағридаги барча жониворларга ғамхўрлик кўрсатиши, уларни асраб-авайлаши лозим. Шундагина у ўзининг юксак мақомига муносиб бўлади. Агар у ожиз, онгсиз жониворларга зиён-заҳмат етказса, демак, унинг даражаси ҳайвондан ҳам пастдир. Атрофимизга назар ташласак, бу ҳолларга мисоллар талайгина.

Яқинда ижтимоий тармоқларда андижонлик Зоя Когай исмли аёл майна туркумига кирувчи ёввойи қушга сув бераётган видео тарқалди ва кўпчиликнинг диққат-этиборини тортди. Боиси, Зоя холанинг айни жазирама иссиқда чанқаган қушга ғамхўрлик кўрсатиши жуда таъсирли ва ибратли эди. Шу боисдан ҳам одамлар уни олқишлашди. Орамиздаги ҳайвонот оламига этиборсиз баъзи одамларга эса ибрат қилиб кўрсатилди.

Муқаддас динимизда жониворларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларни эъзозлашга чақирилади. Масалан, ҳайвонларга азоб бериш, атайин ем-хашакдан маҳрум қилиш, уларга тоқатидан ортиқ юкларни ортиш мумкин эмас.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллох соллаллоху

алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилганлар: **“Юкларни туяларнинг орқароғига ортинглар, чунки қўл (олд оёқлар) муаллақ, оёқ эса маҳкамдир”** (Абул Қосим ибн Ал-Жарроҳ “Амолий” китобида келтирилган). Аммо кўпчилик одамлар Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ушбу ўғитига амал қилмайдилар. Қўл остидаги жониворларга ҳаддан ташқари юк ортиб, уларни уриб-сўкадилар. Бунинг оқибатида уй ҳайвонларининг елкалари яғир бўлиб, азоб чекиб юради. Табиийки, бу жониворларга бўлган шафқатсизликдир.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламнинг олдиларидан юзига куйдириб тамға босилган бир эшакни олиб ўтдилар. Шунда у зот: **“Мен ҳайвонларнинг юзига тамға босган ёки уларнинг юзига урган кишини лаънатлаганимдан беҳабарсизларми?!”** дедилар ва бундай қилишдан қайтардилар» (Абу Довуд ривояти). Афсуски, бундай бағритош инсонлар ҳам йўқ эмас. Кўча-кўйда бунга кўп гувоҳ бўлганмиз. Энг ёмони, бундай кимсаларга жониворларни қийнаш яхши эмаслигини тушунтирсангиз, қулоққа

Ҳайвонларга зулм қилган лаънатланади

илмайдилар. Бу ҳайвон меники, билганимни қиламан, қабилида иш тутадилар. Уларнинг бу фикри мутлақо нотўғридир.

Савода ибн Рабиъ розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига борган эдим, менга бир неча туя берилишига буюрдилар, сўнг менга: **“Болаларингга айт, туя ва чорваларнинг елинига қўл текизишдан (яъни уларни соғишдан) олдин тирноқларини олсинлар. Уларга яна айтгинки, ҳайвонларнинг болаларига ҳам қолдиришсин, болалари озгин-заиф ҳолда ёшига етмасин”**, дедилар» (Имом Бухорийнинг “Ат-тарих” китобида ривоят қилинган).

Ҳатто соғаетганда кишининг тирноғи чорванинг елинига ҳам озор бермаслиги лозим экан. Агар оғриқ етса, бу унинг болалари соғлом ўсишига зиён бераркан. Динимиз шу қадар инсонийлик, самимийлик мезонлари устига қурилганки, бу ҳеч

бир жонзотга заррача озор беришга йўл қўймайди. Аксинча, ҳайвонларга ҳам худди инсонлар каби муомалада бўлишни, уларга мурувват кўрсатишни талаб этади.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Макка фатҳига кетаётиб эмадиган болалари бўлган итни кўриб, қўшин ўтиб кетгунича уларни кўриқлаб туришни Жуайл ибн Суроқага топширганлари (Воҳидийнинг “Ал-мағозий” асари) ҳам уммат учун буюк ибратдир.

Ҳа, инсон – табиат гултожи. У ҳамма нарасада ибратга лойиқ бўлиши, жумладан, Аллох таолонинг бошқа яратиқларига шафқатли бўлиши лозим.

📖 **Дилмурод СОДИҚОВ**



Қоғоз саноатида мусулмонларнинг ўрни

Инсониятнинг ютуқлари сирасида милонинг II юзйиллигида Хитойда қоғознинг ихтиро қилиниши ҳам бор. Хитойлик ихтирочи Цай Лунь инсониятга қоғоз деган бебаҳо совғани тақдим этди. Дарахт пўстлоғидан қилинган ушбу кашфиётни бошқаларга ошкор қилишга шошилмади. Олти асрдан кўпроқ вақт давомида қоғоз Хитойдан ташқарига чиқмади. Дарҳақиқат, қоғоз Хитой цивилизациясининг асосий ҳаракатлантирувчи омилларидан бирига айланди.

VIII асрга келиб Хитой Осиёдаги бошқа давлатлар билан қоғоз савдосини бошлади. Лекин уни ишлаб чиқариш сирини ошкор қилишмасди. Ана шундай даврда қоғознинг дунё бўйлаб кенг тарқалишига туртки бўлган ҳодиса юз берди.

751 йил Талас дарёси бўйида араб-мусулмон кўшини билан Қарлук ҳоқонлиги тўқнашди. Хитой кўшини ҳам ҳоқонлик тарафида эди. Марказий Осиё устидан назорат ўрнатиш шу жанг натижасига боғлиқ бўлиб қолди. Жангда мусулмонлар ғалаба қозонди. Асирга олинган

хитойликлар қоғоз ишлаб чиқаришнинг кўп асрлик давлат сирини очиб беришди.

Дастлаб Самарқандда, кейинроқ Хуросонда қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Талас жангидан 43 йил ўтиб, халифалик пойтахти Бағдодда биринчи қоғоз фабрикаси иш бошлади.

Пойтахтдан андоза олиб бошқа мусулмон давлатлари – Шом, Шимолий Африка ва Андалусияда ҳам секин-аста қоғоз ишлаб чиқарила бошлади. Хорун Рашид фармони билан халифалик тасарруфидаги ўлкаларнинг аҳолиси қоғоздан фойдаланишга ўтди.

Қоғознинг пайдо бўлиши эса, китоб нашрига асос солди. Ордан бир аср ҳам ўтмасдан исломий илмлар, адабиёт, маданият ва санъатга оид юз минглаб қўлёзма асарлар нашр этилди.

Китобларнинг жамланиши кутубхоначилиқнинг ривожига шaroит яратди. Биргина Бағдоднинг ўзида мўғуллар шаҳарни вайрон қилгунга қадар 36 та кутубхона фаолият кўрсатган. Андалусияда мусулмон ҳукмдорининг шахсий кутубхонаси ниҳоятда бой бўлгани кўплаб манбаларда келган.

Хитойликлар ва мусулмон Шарқи аҳолиси янги турдаги ёзув воситаларини фаол ўзлаштирган паллада европаликлар ҳайвонлар терисига ёзиб юришган. Буни европаликларнинг ўзлари эътироф этишган.

XIII асргача Европа қоғоз нималигини билмаган. Қоғоз ихтиро қилинганидан 1000 йил ўтиб, Европа қитъасида қоғоз ишлаб чиқарадиган биринчи завод пайдо бўлди.

Кўхна Қитъа қоғоз учун нафақат хитойликларга, балки Европага қоғоз етказиб беришда ўзига хос кўприк ва боғловчи бўлинга айланган мусулмонларга ҳам раҳмат айтиши керак. Бостон университети профессори Жонатан Блумнинг фикрича, Ғарбдаги мусулмонларнинг бу роли атайлаб

эътибордан четда қолдирилган ва сукут сақланган.

Чиндан ҳам бу мавзу кам ўрганилган. Айни пайтда эса чуқур тадқиқотга муҳтож. Аммо бир нарса аниқ – мусулмонлар қоғозни европаликларга етказиб бериш билан Европа Уйғониш даврига катта ҳисса қўшган. Дарҳақиқат, қоғозни қўлга киритгач, Европа тез суръатларда ривожлана бошлади, мусулмон Шарқи эса худди шу суръатда орқага кетади.

Бугун Ғарб дунёси бошқалардан олдинда, мусулмон дунёси эса анча орқада. Ғарб ишлаб чиқаради, биз эса истеъмол қиламиз. Аммо ҳар доим шундай бўлмаган, кейинги юзйилликларда шундай бўлди.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.



Ҳикмат излаганга...

Машхур гольф устаси Роберт Винченсо яна мусобақада ғалаба қозонди. Мукофотини олиб машинаси томон кетаётганида, ёнига бир аёл яқинлашди. Аввал ғалаба билан табриклади, сўнгра кичкина боласи борлигини, у қаттиқ хаста эканини, касалхонада даволатишга имкони бўлмагани учун ўтган ҳар кун боласи ўлимга бир қадам яқинлашаётганини айтиб ёрдам сўради.

Аёлнинг сўзлари Винченсога қаттиқ таъсир қилди, дарҳол чек дафтарини чиқариб, мукофотининг бир қисmini ёзиб, тагига

имзо қўйиб, аёлга узатди ва деди:

– Болангизнинг яхши кунлари учун сарфлайсиз, деган умиддаман!

Кейинги ҳафта Винченсо ресторанда тушлик қилаётганида ёнига Гольф журналининг муҳбири келиб, салом-алиқдан кейин деди:

– Автопаркдаги болалар ўтган ҳафта сиз ғалаба қозониб, мукофотни қўлга киритганингизда бир аёл келиб сиз билан гаплашганини айтишди.

– Ҳа, шундай. Бунинг нимасига ажабланасиз?! – дея сўради гольф

устаси.

– Ажабланмаяпман... Фақат бу аёл фарибгар экан. Йигитлар унинг сизга ўхшаган яхши ниятли инсонларга боласининг касаллигини айтиб, алдаб пул олишини айтишди.

Винченсо ҳайрат билан сўради: – Яъни ўлимни кутаётган хаста бола йўқми?!

– Йўқ, – деб жавоб берди муҳбир.

– Бу – бугунга қадар мен эшитган энг яхши хабар! – деди Винченсо қувониб.

Қиссадан ҳисса шуки, кимдир пулини йўқотганига, кимдир алданганига куюнади. Яна кимдир бир гўдакнинг хаста эмаслигига севинади. Яъни, бир дераздан ташқарига қараган икки инсон икки хил манзарани кўради: бири лойга ботиб ётган кўчани, иккинчиси эса, кўк юзида порлаган сон-саноксиз юлдузларни.

Нимага қарашни ўзингиз танланг!

Нигора МИРЗАЕВА тайёрлади.

Ўзингиз танланг!

Саломатлик

Йўталдан халос этади

2 ошқошиқ наъматак мевалари, 2 ошқошиқ пиёз пўстини 500 миллиграмм иссиқ сувга солиб, паст оловда 5 дақиқа қайнатилди. Сўнг қайнатмага 1 ошқошиқ мойчечак гуллари солиб, дамлаб қўйилади. Илиқ ҳолга келгач, кун

давомида ярим пиёладан 5–6 маҳал ичсангиз, йўтал азобидан қутуласиз.

Қабзият қийнаганда

5 стакан қайноқ сувга олхўри ва майиз солиб, яна 15 дақиқа қайнатиб олинг. Ушбу суюқликдан ҳар куни оч қоринга бир қошиқ ичсангиз, танангизни токсинлардан

тозалайди ва ич қотишидан халос бўласиз.

Балғам пайдо бўлса...

Ўн дона дафна барги майдаланиб, бир литр сувда паст оловда 10 дақиқача қайнатилди. Бошингизни сочиқ билан ёпиб, қайнатма буғида тахминан 5 дақиқа нафас олинг. Ушбу

муолажа балғам кўчишига ёрдам беради

Оёқ терлашига даво

Оёқ терлашидан шикоятингиз бўлса, бир литр иссиқ сувга 6 томчи йод ва 4 ош қошиқ туз солиб, аралаштирасиз. Ҳар куни оёқларингизни 5–10 дақиқа давомида ванна қилсангиз, шифо топасиз.

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шамсуддин Нур

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Obidjon QODIROV
Muhammadolom MUHAMMADSIDDIQOV
Zayniddin ESHONQULOV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURHONOV
Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHTEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Salohiddin SHERXONOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi: Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIIDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent – 100069, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyat.uz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:

Dilmurod SODIQOV

Musahhiha:

Zebo OMONOVA

Sahifalovchi:

Komiljon MAHMUDOV

Ekspertizaga berildi:

21.08.2024

Xulosa (№03-07/5228) olindi:

28.08.2024

"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.450

24-3/17-buyurtma.

Bosmaxona manzili:

Toshkent shahri, Zarqaynar

18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор.

Ножиоз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

في الجريدة آيات وأحاديث. لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!